

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХҮЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ  
ШЕРИКЧИЛИГИ” фанидан**

**“ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ  
ШЕРИКЧИЛИГИ”**

---

**мавзусидаги маъruzаси  
ТАКДИМОТИ**

**Маъruzачи: доцент Ғ.Д.Дусмуратов**


## **Мавзу: ҚИШЛОҚХҮЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ**

**Режа:**

- 1. Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги: умумий ёндошувлар ва афзалликлари.**
- 2. Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳаларини амалга ошириш**
- 3. Давлат-хусусий шерикчилиги мамлакат қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш механизмининг таркибий қисми**

## **1.1 Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги: умумий ёндошувлар ва афзалликлари.**

Иқтисодиётни глобаллаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортини ошириш шароитида қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш муаммоси кескинлашиб бормоқда. Мақсадли дастурларни амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди, аммо, ҳозирги даврда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини янада ошириш талаб этилмоқда. Шунинг билан бирга қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари олдида ички бозорни етарлича маҳсулот билан таъминлаш ва бошқа экспортёrlар билан рақобатлаша олиш вазифаси турибди. Мавжуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида зарур ҳажмдаги озиқ овқат маҳсулотлари ҳажмини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва экспорт ҳажмини оширишнинг асосий йўналишлари: қишлоқ хўжалиги тармоқларини техник ва технологик модернизациялаш, амалга оширилаётган мақсадли дастурлар доирасида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш жараёнлари кучайтириш, алоҳида ҳудудларнинг мавжуд рақобатбардош афзалликларидан фойдаланиш ҳисобланади.



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича чора тадбирлар белгиланган . Жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибдики, давлат-хусусий шериклигисиз (ДХШ) қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс модернизациялашни таъминлайдиган замонавий миллий инновацион тизимни ривожлантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатиши имконияти йўқ.

Кенг маънода давлат-хусусий шериклиги давлат ва хусусий сектор ўртасидаги барча шаклдаги ўзаро муносабатлар сифатида талқин этилади. Бунинг устига давлат бу ерда барча халқ ҳокимияти субъектларини умумлаштиради ва бошқарувнинг барча – республика, маҳаллий даражаларини ўз ичига олади.

Жаҳон банки томонидан қўйидаги тариф берилган: “ДХШ – бу ишлаб чиқариш ва инфраструктуравий хизматлар кўрсатиш муносабати билан оммавий ва хусусий томонлар ўртасида қўшимча инвестициялар жалб қилиш мақсадида ва энг муҳими бюджетдан молиялаштириш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида тузиладиган битимдир”.

Охирги йилларда иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчага тариф беришга күпгина турли хил ёндошувлар пайдо бўлмоқда.

Демак, В.Г. Варнавский томонидан давлат-хусусий шериклиги деганда саноат тармоқлари ва илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари, хизмат соҳаларининг ижтимоий аҳамиятга эга кенг кўламдаги лойиҳа ва дастурларини амалга ошириш мақсадида давлат ва бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий альянс тушунилади

А.Г. Зельднер эса : “ДХШ – бу инвестициявий ва бошқа ресурслардан ҳамкорликда фойдаланишда ҳокимият органлари ва бизнеснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини контракт асосида бириктиришни, риск ва фойдани паритет тақсимлашни, йирик инфраструктуравий лойиҳаларни амалга оширишда пировард натижаларга эришишни ҳамда мулк ҳуқуқини қайта тақсимлашни ва ижтимоий муносабатларни социаллаштиришни назарда тутадиган ташкилий иқтисодий муносабатлар тизимидир” таърифлайди.

## **ДХШ доирасида давлат ва бизнеснинг манбаатлари**

<b>Давлат манбаатлари</b>	<b>Бизнес манбаатлари</b>
<b>Иқтисодиётнинг давлат ва маҳаллий секторини модернизациялаш</b>	Иқтисодиётнинг янги соҳаларига кириш имкониятини олиш
<b>Хусусий бизнес режалари тўғрисидаги ахборотларни олиш имконияти</b>	Бизнесни ривожлантириш режаларини давлат ва ҳудудий режалар билан мувофиқлаштириш
<b>Бюджет маблағларини тежаш ва солиқ тушумларини кўпайтириш</b>	Давлат активларидан фойдаланиб фойда кўринишида қўшимча даромад олиш
<b>Ресурслардан фойдаланишда ва бошқарув ноу-хауни қўллашда синергетик самара</b>	Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун бюджет маблағларини жалб этиш
<b>Лойиҳаларни амалга оширишдаги рискни хусусий сектор билан бўлишиш</b>	Лойиҳани амалга ошириш рискини ҳокимият органлари билан бўлишиш
<b>Оммавий хизмат кўрсатиш соҳасида рақобатчилик мухитини яратиш</b>	Оммавий хизмат кўрсатиш жараёнида ривншланишни чеклашни бартараф этиш
<b>Қарор қабул қилиш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ошиши</b>	Позитив ижтимоий реклама

## **Ўзбекистонда ДХШ талқинига ёndoшувлар**



### **Иқтисодий**

**ДХШ хусусийлаштиришга муқобил, яъни давлат мулкини хусусий қўлларга ўтказиш воситасида мулкчилик ўзгариш жараёни сифатида қаралади.**

### **Бошқариш**

**ДХШ давлат сиёсати инструменти бўлиб, хусусийлаштириш институти ҳисобланмайди, фақат давлатнинг жамият олдидаги мажбуриятларини бажаришнинг янги шаклини, яъни аҳолига узлуксиз оммавий неъматлар тақдим этишни ўзида акс эттиради.**

Давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларида давлат томонида мулк эгаси хуқуқлари, солиқ ва бошқа имтиёзлар, кафолатлар олиш имконияти бўлади. Давлат бошчилик қилувчи субъект ва асосий регулятор сифатида зарурат бўлганда ресурсларни соғ ишлаб чиқариш дастурларидан ижтимоий мақсадларга (таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият) қайта тақсимлаш хукуқига эга, бу тарифга кўра ижтимоий-иқтисодий иқлимнинг умумий яхшиланишига имкон беради, мамлакатнинг инвестицион рейтингини оширади, шериклик лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам беради.

Инфраструктура соҳасида давлат-хусусий шериклиги ривожланиши билан бирга давлат ўз фаолияти эътиборини объектларни қуриш ва эксплуатация қилишнинг конкрет муаммоларидан маъмурий-назорат функцияларига ўзгартириши мумкин. Бунда муҳими муқаррар тадбиркорлик риски бизнес томонга қайта тақсимланади. Давлат-хусусий шериклиги ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, пивовардида жамият энг сифатли хизматларнинг глобал истеъмолчиси сифатида ютиб чиқади.

**ДХШ қуидаги  
инфраструктура мажмасы  
тармоқларыда әнг күп амалга  
oshiрилади:**

1

- транспорт инфраструктураси: автомобил йүллари, темир йүллар, трубопровод, дөңгиз ва дарё портлари ва кема қатнови, аэроромлар, аэропортларнинг ишлаб чиқариш ва муҳандислик инфраструктураси, метрополитен ва бошқа умумий фойдаланишдаги транспорт;

2

- ижтимоий инфраструктура: соғлиқни сақлаш, санатория-курорт даволаниш, таълим, маданият, ижтимоий хизмат кўрсатиш, спорт;

3

- энергетик инфраструктура: энергетик ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, ўтказиш ва тақсимлаш, иссиқлик, газ ва энергия таъминоти, ташқи ёритиш ва бошқа объектлар;

Давлат ва агробизнес ўзаро алоқаси механизми элементлари субъектлар (давлат ва бизнес) ҳисобланган тизимни ўзида намоён этади, бунда турли хил шерикчилик шакли воситасида, методлар (прогнозлаш, стратегик режалаштириш, дастурлаш, квоталаш, инвестиция киритиш, кредитлаш, суғурталаш, тариф-божхона тартибга солиш) ва инструментлардан (баҳо, солиқ, банк фоизлари, валюта курси) фойдаланиб тармоқлар ривожланишига таъсир кўрсатади, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш суръатларини оширишга ва унинг миллий ва жаҳон бозорларига чиқаришга имкон беради.



## Давлат-хусусий шериклигини яратиш мақсади қуидагилар ҳисобланади:



## **9.2. Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳаларини амалга ошириш**

**Шакланишнинг асосий муаммоларига қўйидагиларни киритиш мумкин:**



- юқори риск – хусусий шерикнинг банкротлиги мумкин бўлган ҳолатда давлат-хусусий шериклигини қутқариш давлат чекига тушади, бунинг ўзи ушбу институтни яратишнинг дастлабки босқичида унинг ривожланишини шубҳа остига қўяди;
- мамлакат қонунчилигига бу масалаларнинг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги (давлат-хусусий шериклиги тўғрисида қонуннинг эндиғина лойиҳаси ишлаб чиқилди, қонуности хужжатлари мавжуд эмас, тегишли давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларини баҳолаш, келишиш, тасдиқлаш ва назорат қилиш функцияларини бажаришга ваколатли ягона давлат органи йўқ);

## Шакланишнинг асосий муаммолари

- алоҳида ҳудудларда барча хўжалик юритиш шаклидаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, инвесторлар ва ушбу ҳудудлар ахолисининг манфаатдорлигини ҳисобга олиб мавжуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- инновацион-фаол ҳудудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш (технопаркларни, технополисларни, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади);
- технологияларни трансфер қилиш марказларини яратиш;
- ҳудудий инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш.

### **9.3. Давлат-хусусий шерикчилиги мамлакат қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш механизмининг таркибий қисми**

Бугунги кундаги мавжуд ҳолат 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топди. Ҳужжатда бир томондан қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашнинг барча асосий йўналишлари ва чоратадбирлари: **қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, экин майдонларини оптималлаштириш кўрсатиб** берилди. Бошқа томондан аграрчилар ва давлат ўзаро муносабатларида янги ёндошувлар назарда тутилди. Қишлоқ хўжалигини тўғридан тўғри қўллаб-қувватлаш билвосита қўллаб-қувватлаш тадбирларига алмаштирилади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосларидан бири давлат ва бизнес куч-қудратини бирлаштириш бўлиб – давлат-хусусий шерикчилиги амалиёти фаол тарқалиб бормокда.

Давлат-хусусий шерикчилиги элементлари миллий лойиҳаларда ва давлат дастурларида ривожланишни бошлади. Келажакда бизнес қишлоқда ижтимоий инфраструктурани яратишга янада фаол жалб этилади. масалан хусусий ташкилотлар мактаб, шифохона, болалар боғчаси, спорт объектлари қурилишини инвестициялаши мумкин, маҳаллий ҳокимиятлар эса бу объектлардан нимага мўлжалланганлигига қараб ижара шартларида, кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан фойдаланади. Худудлар шерикчилик шароитларида объектнинг қурилиш даврида кредитлар бўйича фоизларни тўлаш бўйича харажатларни субсидиялаши мумкин. Пировард мақсад – барқарор диверсификацияланган қишлоқ иқтисодиётини яратиш ва бир вақтнинг ўзида қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини оширишdir.



Дхш

Хокимият ва тадбиркорлар кучларини ва ресурсларини биргаликда сарфлаш истиқболлари түғрисида товарларни сақлаш ва транспортировка қилиш инфраструктурасини яратишга нисбатан ҳам гапиришга арзиди. Улгуржитаксимот марказлари, сақлагиҷлар, совутгиҷлар, омбохоналар қурилиши сезиларли молиявий харажатларни талаб этади. Йилига мутахассислар баҳолашига кўра **10 млрд сўм** атрофида зарур. Давлат бундай лойиҳаларни қурилиш учун майдонлар тайёрлаш, йўллар, коммуникациялар ўтказиш босқичида инвестициялашга тайёр. Маблағлар бунда нафақат республика бюджетидан ажратилади: маҳаллий бюджетлар ҳам, хусусий инвесторлар ҳам иштирок этиши лозим. Давлат иштироки шаклларидан бири шунингдек, логистик марказ яратишга кредитлар бўйича фоиз ставкалари қисмини субсидиялаш ҳисобланади. Бундан ташқари, бутун ҳудуд учун энг аҳамиятли лойиҳалар бўйича бизнесга объектни қуришга сарфланган харажатлар қисмини, уларни ишга туширгандан кейин қоплаш имконияти қараб чиқилади.

*ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ  
УЧУН РАҲМАТ!*